

Китоб ўқи, жон қизим!



16:15 / 07.02.2019 5441

Сўнгги пайтларда юртимизда китоб ўқишга тарғибот ишлари кенг кўламда амалга оширилмоқда. Кутубхона ва нашриётлар фаолиятини кенгайтириш, кишиларнинг китобхонлик даражасини ошириш, уларни китобга қизиқтириш борасида қарорлар қабул қилиниб, бу қарорларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳатто Президентимизнинг ташаббуси билан республика миқёсида «Ёш китобхон» кўрик-танлови ташкил этилиб, юртимиз тарихида ҳали ҳеч қачон кузатилмаган воқеликка гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу, албатта, қувонарли ҳол. Шуларни ўйлар эканман, азиз қизларимизга шундай мурожаат қилишни истадим:

Қизалоғим! Фаол, гўзал ахлоқли, дунёқараши кенг, атрофдагиларга таъсир эта оладиган инсон бўлишинг учун китобингга қайт! Анчадан бери бепарво ташлаб, ҳижронга қўйганингдан китобинг шикоят қилмоқда. Унга

қулоқ тут, уни энг яқин дўстингга, бир умрлик ҳамроҳингга айлантир!

Ҳисоб-китобларга қараганда олий ўқув юртларидан бирида талабалар бир кунда ўртача уч бетгина китоб ўқишар экан.

Аксарият қизларнинг китоб ўрнига чиройли кофта сотиб олишни хоҳлаши ҳеч биримизга сир эмас.

Воқеликдан маълумки, эркаклар ҳам, аёллар ҳам маълум бир мавзудаги китобларни бирдек қабул қиладилар. Мисол учун:

1. Кўпчилик қизлар энгил-елпи, саёз маъноли кичик китобчаларни ўқишади. Масалан, тиббиётга оид қўлланмалар бўладими, аёлларга хос масалаларга доир китобларми, оила ва ижтимоий соҳага оид асарлар бўладими, фарқи йўқ, ҳаммасида ҳам рисолачаларнигина ўқишади. Шунингдек, сеҳр-жодуга, туш таъбирларига оид китоблар ҳам кўпчиликни қизиқтиради.

2. Севги-муҳаббат мавзусидаги, ошкора ҳис-туйғулар акс этган роман ва қиссаларни ўқишга қизиқувчилар ҳам талайгина.

3. Шаръий китоблар, Қуръон ва Суннатга, фикҳга, тафсирга оид китоблар, тарих китоблари, диний тарбия борасидаги китоблар.

Сўнгги пайтларда бундай китобларни ўқиб-ўрганиш, ёшлар ўртасида диний маърифатни кенг ёйиш жуда яхши натижалар бермоқда.

Лекин баъзи таклиф ва мулоҳазалар борки, агар улар амалга ошса, юртимиз равнақида, унда истиқомат қилувчи аёл-қизлар турмуш даражасининг кўтарилишига ёрдам бериши шубҳасиз. Мисол учун, ўспирин қизларнинг таълим-тарбиясида, шахсиятини ривожлантиришда, маънавиятини шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлган илмий-амалий курслар очилса, улар кадрларимизни, дину диёнатимизни, ахлоқимизни ва қизларимизни асрашга хизмат қилади. Шунингдек, аёллар орасида китобхонлик кечаларининг ўтказилиши, китоблар, мақола ва шеърлар ёзиш бўйича мусобақалар уюштирилиши, уларнинг электрон сайтларда фаол иштирок этиши. Бундай тадбирлар хоҳ аёлларга хос мавзуларда бўлсин, хоҳ умумий муаммолар хусусида бўлсин, ёшларни маълум мақсад сари юзлантириб, уларнинг ахлоқи ва таълим-тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

«Қизларжон...» китобидан